Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 194 (10.190).

1991 йил 5 октябрь шанба

Баҳоси 8 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИНИ ЧАҚИРИШ ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИДА

Шу йил 3 октябрда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойини чақириш юзасидан республика Компартиясининг фавқулодда XXIII қурултойи томонидан тузилган Ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ташкилот комитетининг раиси И. А. Каримов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низоми лойиҳалари муҳокама қилинди. Комиссиялар муҳокамага таклиф этилган лойиҳаларни Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойида ифодалаб берилган қоидаларга мувофиқ тайёрлаганликлари таъкидланди. Лойиҳаларда жойлардан тушган таклифлар ҳисобга олинган, маҳаллий партия ташкилотлари ва мувозий ишчи гуруҳларининг муқобил ҳужжатларида таклиф этилган барча қимматли фикрлар акс эттирилган.

Низом лойиҳасида Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси парламент типидаги партия сифатида таърифланади ва шунга мувофиқ ўз зиммасига бевосита ҳокимият ва бошқариш вазифаларини оладиган барча партия тузилмалари истисно этилади. Низомда партия турмушининг меъёрлари иложи борича кўпроқ демократиялаштирилган, ҳокимиятнинг юқори ва ижроия идораларини шакллантиришда партия ташкилотларининг аҳамияти оширилади.

Ташкилот комитети ҳужжатларни ҳар томонлама муҳокама қилгандан сўнг комиссиялар томонидан тайёрланган Дастур ва Низом лойиҳаларини асосан маъқуллаш, мажлисда билдирилган фикр мулоҳазалар ва таклифларни эътиборга олиб уларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда матбуотда эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва районларнинг муваққат ташкилот комитетларига бу ҳужжатларни аҳоли ўртасида ва турар жойларда, меҳнат жамоаларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама ва тарғиб этишни ташкил этиш таклиф этилди.

Мажлисда Ташкилот комитети аъзолари ўртасида вазифалар тақсимлаб олинди. Жойларда амалий ёрдам кўрсатиш учун Ташкилот комитети вакиллари Қорақалпоғистон Республикасига, вилоятларга ва Тошкент шаҳрига юборилди. Янги партияни шакллантириш ва Таъсис қурултойини тайёрлаш билан боғлиқ барча зарур тадбирларни амалга ошириш учун Х. М. Абдураимов бошчилигида гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Таъсис қурултойини 1991 йил 1 ноябрда чақиришга қарор қилинди. Қурултойда Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясини ташкил этиш, унинг ташкилотлари ва сайлаб қўйиладиган органларининг яқин орада ва истиқболда амалга оширадиган вазифалари, Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низоми, партиянинг Раиси, Марказий Кенгаши ва Марказий тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш мўлжалланмоқда.

Ташкилот комитети Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси аъзолари рўйхатдан ўтказиш тартибини, шунингдек партия конференциялари ва Таъсис қурултойига делегатлар сайлаш тартибини тасдиқлади, бу тадбирларни ўтказиш муддатларини белгилади.

● (Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Ҳаракат дастури ва Низоми лойиҳалари рўзноманинг 2-, 3- ва 4-саҳифаларида эълон қилинмоқда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ПАХТА ТОЛАСИ ВА ПИЛЛАНИ СОТИШ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Колхозлар, совхозлар, ижара жамоалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пахта хом ашёси ва пилла етиштиришни кўпайтириш ҳамда харид қилишдан манфаатдорлигини ошириш, бозор муносабатларига ўтиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ва кўрсатиб ўтилган маҳсулотларни сотишнинг мавжуд тартибини қисман ўзгартириб:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1991 ва кейинги йиллар учун белгиланган топшириқдаги пахта толаси ва пилланинг 5 фоизи ҳамда белгиланган ҳажмдан ортиқча олинган мазкур маҳсулотларнинг ҳаммаси мамлакат ичкарисида ҳам ва ундан ташқарида ҳам колхозлар, совхозлар, ижара жамоалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ихтиёрий равишда сотилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг ижроия қўмиталари ва районларнинг ижроия қўмиталари, республиканинг кўрсатиб ўтилган маҳсулот турларини сотиш ва етказиб беришга дахлдор бўлган вазирликлари ва идоралари ушбу Фармоннинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматнинг тегишли қарорларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчаларни киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 4 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИГА КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМ БЕРИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» 1991 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонунига конституциявий мақом берилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси моддалари «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунининг қоидаларига зид келган ҳолларда мазкур Қонунга амал қилинсин.

3. Конституция комиссияси тайёрланаётган республика Конституциясининг лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунининг қоидаларига амал қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 30 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га қуйидаги ўзгартишлар киритилсин.

1. Республиканинг амалдаги Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг ва Қонун ҳужжатларининг номидаги ҳамда матнидаги «Ўзбекистон ССР» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1185-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1185-модда. Мудофаа масалаларида республика сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш, иқтисодий мустақилликни ҳамда экология хавфсизлигини мустаҳкамлаш, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар оқибатларига барҳам бериш, жамиятда барқарорлик ва ҳуқуқий тартиб-интизомни таъминлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида Маслаҳат Кенгаши амал қилади. Маслаҳат Кенгашига Ўзбекистон Республикасининг Президенти бошчилик қилади. Маслаҳат Кенгашининг вазифалари Маслаҳат Кенгаши тўғрисидаги Низомда белгилаб берилади.

Маслаҳат Кенгашининг аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Маслаҳат Кенгашининг мажлисларида қатнашишга ҳақлидирлар».

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 30 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАТБУОТ ШЎЪБАСИНИНГ БАЁНОТИ

2 октябрь куни Москва вақти билан 12 дан 30 минут ўтганда Бутуниттифоқ телерадиокомпаниясининг ТСН (Янгиликлар телевизион хизмати) программасида Ўзбекистон ҳақида навбатдаги ёлғон янгради. Хабар қилинишича, гўё Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессиясида 200 депутат Президент И. Каримовга ишончсизлик билдирган эмиш. Ҳа, сессияда ишончсизлик билдирилди, лекин Ўзбекистон Президентига эмас, балки Бутуниттифоқ телерадиокўрсатувининг ТСН программасига ишончсизлик билдирилди, бу программа сессия бошланишидан анча аввал, 26 сентябрь куниёқ, аниқ шу ёлғонни эшиттиришга тайёр эмиш. Бу ёлғонни 2 октябрь куни ҳам такрорлади. Олий Кенгаш сессияси нотўғри ахборот манбаини аниқлаш учун депутатлардан махсус комиссия тузди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессиясида ҳақиқатан ҳам И. Каримов шанидир «социалистик партия»нинг тилга олиниши ахборотнинг ёлғонлигини яна бир бор исботлайди, ваҳолонки Ўзбекистон сиёсий тизимида бундай партия мутлақо йўқ.

Ўзбекистон Президенти матбуот шўъбаси бундай ёлғон ахборот бериш Бутуниттифоқ телерадиокомпанияси эшиттиришлари учун оддий бир ҳолга айланиб қолганлигини таъкидлайди. Шу воқеа арафасида — 1 октябрь куни Бутуниттифоқ телерадиокомпанияси раиси ўртоқ Е. Яковлев билан телефон орқали бўлиб ўтган суҳбатда у телевидение каналлари орқали берилган ёлғон ахборот учун кечирим сўраган эди. Гап Қўқонда ва Фарғона водийсининг бошқа шаҳарларида гўё митинглар бўлиб ўтганлиги ҳақида борган эди. Ўртоқ Е. Яковлев шубҳали манбалардан олинган текширилмаган ахборотни ҳаво тўлқинларида эшиттиришга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақидаги ишонтиришларига қарамай, турли рўзномалардан олинган деб, баъзан эса шундай ҳам демасдан жамоатчилик фикрини нотўғри ахборот билан алдаш юзасидан ҳақиқий кампания давом этмоқда.

Ўзбекистон Президенти матбуот шўъбаси суверен, мустақил республикага нисбатан ғаразли тарғибот кампаниясини тўхтатиш ва унинг ички ишларига аралашмасликни талаб этиш билан бирга амалдаги қонунларга мувофиқ ёлғон ва иғвогарлик учун бундай хабарлар муаллифларини жавобгарликка тортишни ҳам талаб қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАТБУОТ ШЎЪБАСИ.

ҲУКУМАТ ТЕЛЕГРАММАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ҲУКУМАТ УЙИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА.

МОСКВА ШАҲРИ, КОРОЛЕВ КУЧАСИ, 12, СССР ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШ КОМПАНИЯСИ РАИСИ Е. В. ЯКОВЛЕВГА.

МОСКВА ШАҲРИ, 95, ПОГОРЕЛЬСКИЙ ТОР КУЧАСИ, 12-УЙ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДОИМИЙ ВАКИЛИГА.

Ҳурматли Егор Владимирович! ТСН, шунингдек, Интерфаксининг гўё Наманган шаҳрида кўпминг кишилик митинглар бўлаётганмиш, деган ёлғон ахборотлари вилоят аҳолисини қаттиқ ғазаблантирмоқда. Марказий телевидение ва радионинг бундай ҳаракатларини қасддан қилинаётган иғвогарона, демократияга қарши ҳаракатлар деб ҳисоблаймиз. Улар юзасидан раддия бериш учун сизда куч-қувват ва мардлик етади, деб умид қиламиз.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ Б. ҲАКИМОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АППАРАТИ, МАТБУОТ ШЎЪБАСИГА.

ШОШИЛИНЧ. МОСКВА, КОРОЛЕВ КУЧАСИ, 12-УЙ, БУТУНИТТИФОҚ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ РАИСИ Е. ЯКОВЛЕВГА.

ТСН янгиликлар телевизион кўрсатувининг иккинчи октябрдаги кундузги эшиттиришида гўё Андижон вилоятида сиёсий талаблар қўйилаётган кўп минг кишилик митинглар давом этаётгани ҳақида хабар эшиттирилди. Бу хабар учига чиққан ёлғон бўлиб, жамоатчилик фикрини чалғитади. ТСН программаси ва телекомпания раҳбарлари маълумоти учун шуни маълум қиламизки, Андижон вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида ижтимоий-сиёсий вазият осойишта, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиб-териб олиш ва қишга тайёргарлик кўриш юзасидан қизғин иш олиб борилмоқда. Ҳеч қандай митинглар бўлмади ва ҳозир ҳам бўлмаяпти. Сизнинг программангизда эшиттирилган ёлғонни биз мустақил республика ишларига аралашиш, унинг теварагида яна бир бор носоғлом муҳитни вужудга келтиришга уриниш деб баҳолаймиз. Ёлғон ахборот беришда айбдор бўлганларни жазолашни, телетомошабинларга холисона ахборотни ва бизнинг норозилиғимизни етказишни қатъиян сўрайман ва талаб қиламан.

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши раиси Қ. ХОЛМИРЗАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

3 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Президент республикалар раҳбарларининг Олмаотадаги учрашуви натижалари ҳақида батафсил ахборот берди.

●

Мустақил давлатларнинг Иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномага розилик билдириш бўлиб ўтган кенгашнинг асосий якуни бўлди. Республикаларнинг барча раҳбарлари куч-ғайратларни тезроқ бирлаштириш қатъий зарурат эканлигини

(Давоми тўртинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

● Олмаотада 13 республика раҳбарларининг учрашуви режалаштирилган тўрт соат ўрнига саккиз соат давом этди. Иш маромли жуда тиғиз бўлишига қарамай, учрашув қатнашчилари журналистлар билан суҳбатлашиш учун вақт топишди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ҳам турли нашрларнинг мухбирлари билан учрашди.

И. А. Каримовнинг журналистлар билан иккинчи учрашуви Бойқўнир космодромида бўлиб ўтди. Мухбирнинг, Президент Олмаотадаги учрашув натижаларидан қаноатландими, деган саволига И. А. Каримов олдинга катта қадам ташланди, деб жавоб берди.

Бойқўнирда И. А. Каримов Австриянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Фриддрих Бауэрнинг саволларига жавоб қайтарди. Бугунги шароитда сиёсий иттифоқ ҳақидаги гаплар беҳуда гап бўлиб қолмоқда. Халқ оч қолаётган бир пайтда «соф» сиёсат билан шуғулланиш лозиммикан. Биз аввал одамларни тўйдиришимиз, уларни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашимиз керак. Бизнинг асосий сиёсатимиз ана шудир.

(ЎзТАГ).

(Суҳбатлар ҳақидаги батафсил тафсилот эълон қилинади).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ ИШЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессиясида билдирилган таклифлар ва мулоҳазаларга мувофиқ ҳамда республикани, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг етилган масалаларини зудлик билан, пайсалга солмай ҳал этиш, халқ хўжалигининг аҳоли турмуш таъминоти билан боғлиқ бўлган барча тармоқлари ишини яхшилаш зарурлигини эътиборга олиб, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси барча Комплексларининг ишларини мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 120-моддасидан келиб чиқиб:

юқорида қайд этилган барча масалаларга бевосита раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси вице-президенти ўртоқ Ш. Р. Мирсаидов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 4 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Файзулла Маҳсуджонович **Муллажонов** Ўзбекистон Республикаси Давлат банки бошқарувининг раиси этиб тайинлансин, ўртоқ Эркин Жўраевич **Боқибоев** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан шу вазифадан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 30 сентябрь.

НАВБАТ—УЧИНЧИ МИЛЛИОНГА!

● Куни кеча жумҳуриятимиз бўйлаб хушхабар тарқалди. Пахтакорларимиз уйган хирмон икки миллион тоннадан ошди. Энди учинчи миллион тонналик маррани эгаллашга барча кучлар сафарбар этилмоқда.

Иккинчи миллион тонна пахта хирмонини тиклаш анча қийин кечди. Сентябрь ойининг охирларида жумҳуриятимизнинг кўпгина вилоятларида ёғиб ўтган ёмғирлар натижасида суръат бироз пасайди. Айниқса, пешқадамлик нимсиз ёмғир ёғди. Шу боис улар кунлик ўсишда бироз ортда қолишди. Айни кунларда эса жумҳуриятимизда яна ҳаво юришиб кетди. Фарғоналиклар ҳам ҳар куни йиллик режанинг 3,5 фоизи миқдорига етказиб пахта тайёрлашга эришмоқдалар.

Теримда бухороликлар карвонбошилик қилишмоқда. Улар йиллик режанинг 74 фоизи миқдорида хирмон уйишди. Қашқадарё, Наманган, Тошкент вилоятларининг пахтакорлари ҳам суръатни тобора оширишмоқда. Жиззах ва Сирдарё вилояти пахтакорлари кунлик ўсишда ҳаммадан ўзишмоқда. Улар ҳар куни йиллик режанинг қарийб 5 фоизи миқдорда пахта тайёрлаётирлар. Умуман жумҳуриятимиз бўйича эса 3,5 фоиз миқдорида ўсишга эришилмоқда.

● Миришкор теримчи-ю, механизаторлар ҳаво очиқ ҳар бир кундан самарали фойдаланиб, теримни кучайтирмоқдалар. Ўйлаймизки, учинчи миллион тонна пахта қисқа муддатларда хирмонларга уйилади!

ЯНГИЛИКЛАР ОЙНАСИ

● Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг янги таркибдаги Олий Кенгаши сессиясини чақириш муддатини бошқа кунга кўчириш тўғрисида СССР Президенти М. С. Горбачев Фармон чиқарди. Янги таркибдаги Олий Кенгаш сессиясининг биринчи мажлиси Москва шаҳрида, 1991 йил 21 октябрда ўтказилади.

● СССР Президенти М. С. Горбачев белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаган ҳарбий хизматчиларни СССР Қуролли Кучлари, чегара, ички ва темир йўл қўшинлари сафларидан ҳозирага бўшатиш ҳамда 1991 йил октябрь-декабрь ойларида фуқароларни ҳақиқий ҳарбий хизматга навбатдаги чақириши тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

● 4 октябрь куни Москва вақти билан соат 9 дан 39 дақиқа ўтганда «Союз ТМ—13» космик кемаси учувчи бошқарадиган «МИР» комплекси билан туташтирилди.

● Ўзбекистон Республикаси давлат ўрмон комитети ташаббуси билан 4 октябрь куни Тошкентда кенгаш бўлди. Унда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ўрмон хўжалиги раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков кенгашда табрик нутқи сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг барча ўрмон хўжалиги ходимлари ва аҳолисига Мурожаатнома қабул қилиб, ўрмон ресурсларини муҳофаза қилиш ишини кучайтиришга даъват этдилар.

● Кеча Тошкентда Ўзбекистон комсомолининг навбатдан ташқари съезди бўлди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Н. Носировнинг маърузасида ва делегатларнинг нутқларида «Ўзбекистон ёшлари уюшмаси» асосий ҳужжатлари — Ҳаракат дастури ва Низомномасининг лойиҳалари батафсил кўриб чиқилди.

ЎЗТАГ ТУЗАТИШИ

Кеча рўзномаларда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг 4- ва 25-моддаларидаги «100 минг» рақами 60 минг деб ўқилсин.

1.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ

ДАСТУРИ

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси стратегияси ва кундалик сиёсатининг олий мақсади инсон — қайси миллатга мансублиги, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан, дини ва эътиқодидан қатъий назар унга нисбатан ижтимоий адолатни таъминлаш, муносиб турмуш ва меҳнат шароитлари яратиб бериш, унинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, ор-номус ва қадр-қимматини, хавфсизлигини ҳимоялашдан иборатдир.

Партия мустақил Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгаллайдиган, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини эътироф этадиган ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳаракат қиладиган демократик давлат сифатида шаклланишига ҳар томонлама имкон ярата боради.

I. ТАРИХ САБОҚЛАРИ ВА ЙЎЛНИ ТАНЛАШ

Ўзбекистон халқлари тарихининг совет даври аянчли ва зиддиятли бўлди.

1917 йилги Октябрь инқилоби собиқ Россия империясининг миллий ва мустамлакачилик зулмидан чиндан ҳам халос бўлиш умидини уйғотди, халқ демократик кучларининг ҳақиқий давлат тузуми шаклланишига, ватанимиз халқларининг мустақил сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланишига қаратилган ҳаракатига қудратли туртки берди.

20-йилларда илғор ижтимоий-сиёсий кучлар, шу жумладан коммунистлар ҳам республиканинг давлатчилигини мустаҳкамлаш йўлини фаол ўтказишга интилди. Ўзбекистон иқтисодиётининг, илмий қудратининг шаклланишига қардош республикаларнинг кўмаги ҳам ёрдам берди, улар билан биргаликда халқимиз кўпгина қийинчиликлар ва маҳрумликларни енгиб ўтди, мамлакат тарихига кўплаб ёрқин саҳифаларни битди.

Бироқ вазиятнинг фожиавийлиги шунда эдики, 20-йиллар охирида маъмурий-буйруқбозлик маркази юзага келди ва мустаҳкамланди, қайсики, у кейинги жараёнда ўз қўлига чекланмаган ҳокимиятни тўплаб, республикаларнинг мустақиллигини ҳам, энг оддий фуқаролик ҳуқуқларини ҳам оёқ ости қилди.

Ўзбекистон учун бу нарса империянинг хом ашё ўчоғи мақомига қайтишни англатарди. Илғор фикрловчи кишиларнинг зўравонликка қарши чиқишга уриниши уларнинг кўпларини шафқатсизларча қатағон қилиш билан якунланди. Яккаҳокимликка асосланган тизим халқнинг маънавий куч-қувватига, ер-сув заҳираларига, экологияга, маданият, таълим, илм-фан, ёшлар тарбиясига катта зарар етказди. Аҳоли кўпчилик қисмининг турмуш даражаси қашшоқлик чегарасига келтириб қўйилди. Миллатнинг ирсий фонди реал хавф остида қолди. «Пахта ишлари» деб аталмиш уйдирмалар асосида ёлғон айблар қўйиш ва ноқонуний қамашлар кўпгина оилалар учун фожеага айланди.

Босиб ўтилган йўл яккаҳокимлик асосидаги маъмурий-буйруқбозлик тизимининг буткул истиқболсиз, аслини олганда, халққа қарши сиёсат эканлигини кўрсатди. Якка партиявийлик ғояси ўзининг асоссиз эканлигини кўрсатди. Бу ғоя КПССга жамиятнинг раҳбар ва раҳнамо кучи, аелини олганда, эса яккаҳокимликка асосланган ҳокимият тузилмаларни ҳаракатга келтирадиган восита ролини берган эди. Ҳокимиятни қонунга хилоф равишда тортиб олган партия раҳбариятининг юқори доирасини мафкуравий жиҳатдан ниқоблаш учун хизмат қилган ақида ва тартиб-қоидаларнинг бутун бир тизими барбод бўлди. Унинг бугунги кундаги инқирози, унитар давлатнинг амалда емирилганлиги объектив ва тарихан муқаррар жараёндир.

Ўзбекистон Компартияси ўз сафларида соф виждонли ҳамда адолат ва ҳақни тиклаш ғояларига содиқ бўлган юз минглаб кишиларни бирлаштирди. Кейинги йилларда у амалга ошираётган ишлар республика аҳолиси кўпчилиги томонидан маъқулланди. Аммо у ўзининг бутун тарихи мобайнида, камдан-кам ҳолларни истисно қилганда, сиёсий стратегияни ишлаб чиқишдан амалда четлаштирилган, КПСС марказий органларининг ҳаётдан ажралиб қолган қарорларига, улар йўл қўйган бузғунчиликларга, катта нуқсон ва хатоларга ипсиз боғланган бўлиб, сиёсий ташкилот сифатида у ҳам ўз имкониятларини тугатди.

Унинг ўрнига Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси бугун ҳаётга кириб келмоқда. Халқ маъқуллаган барча қимматли ва илғор нарсаларни мерос қилиб олган бу партия янгиланган Компартия эмас, балки мазмунан ва фаолият жиҳатидан тамоман янги сиёсий ташкилотдир. У янги мафкура — соғлом фикр мафкураси партиясидир. У энг яхши халқ демократик анъаналарига, халқнинг тарихий тажрибасига, адолат, эзгулик, тенглик, шахс эркинлиги каби умуминсоний идеалларга, ахлоқ ва инсонпарварлик принципларига таянувчи партиядир.

Якка ҳокимиятликка асосланган тизимнинг жиноятлари, инсон ҳуқуқларининг бузилганлиги ҳамда турғунлик даврида энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳал қилинмаганлиги жамиятни намунали барпо этишдан иборат бўлган коммунизм ғоясига нисбатан кўп кишиларнинг ишончига путур етказди.

Шу боисдан партия ўзи учун асосий йўналишлар сифатида инсонпарварлик ва демократия, меҳнат аҳлининг ва ижтимоий жиҳатдан ночор бўлган аҳоли табақаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ғояларини танлаб олади ҳамда инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш шаклларини эркин танлашни кафолатлайдиган жамиятнинг сиёсий ҳамда давлат тузилишини бунёд этишга эришиш йўлида:

— сиёсий-иқтисодий эркинлик, демократия, тенглик ва ижтимоий адолат жамиятини;

— фақат битта мафкура, битта дунёқараш ҳукмрон бўлмай, балки сўз ва виждон эркинлиги, ахлоқ ва инсонпарварлик принциплари ҳукм сурадиган, республика ҳудудида яшовчи барча халқларнинг анъана ва урф-одатлари, диний эътиқодлари, тил ва маданиятлари ҳурмат қилинадиган жамиятни;

— иқтисодий ва хўжалик фаолияти мафкуралаштиришдан узил-кесил ҳоли қилинган, мулкчилик барча шаклларининг эркин ривожланиши ва тенглиги таъминланган, амр-фармойишлар барҳам топтирилган ва тадбиркорлик учун эркинлик берилган жамиятни;

— аҳолининг иш билан бандлиги, биринчи навбатда унинг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлари: кексалар ва болалар, кўп болали оилалар, ўқувчи ва талабалар, кам таъминланган ва ёлғиз яшовчи фуқароларнинг минимал истеъмол бюджети кафолатланадиган жамиятни;

— миллати ва элатидан, дини ва эътиқодидан, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъий назар барча фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларида иштирок этишлари учун сиёсий ҳаётда бир хилда имконият яратилиши кафолатланадиган жамиятни барпо этиш учун республика халқларига ўз куч-ҳаракатларини бирлаштиришни таклиф қилади.

Партия фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни, тадбиркорлик фаолиятига тўла иқтисодий эркинлик берилган ҳолда ҳаётнинг барча соҳаларида интизом ва тартибни таъминлашни жамиятимизнинг ана шундай тарзда барпо этилишига эришиш воситаси, деб билади.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, УНИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА МУНОСИБ ЎРИН ОЛИШИ УЧУН

1991 йил 31 августда Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очилди. Бундан буён Ўзбекистон мустақил республика сифатида ўз тақдирини ўзи белгилайди, тўпланган иқтисодий қудратга эгалик қилади ва халқ фаровонлиги ҳамда манфаатлари йўлида тасарруф этади, мустақил ички ва ташқи сиёсатни амалга оширади. Ана шу тарихий қадамни қутлаб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги конституциявий Қонундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ушбу қонунни республика ҳаётининг барча соҳаларида изчил рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилади.

Партия республика ҳудудининг яхлитлиги ва иқтисодий қудратини, унинг чегаралари дахлсизлигини таъминлаш тарафдоридир. У Ўзбекистон таркибига ихтиёрий тарзда кирувчи Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитетини ҳурмат қилиш наздида туради.

Партия ер, ер ости қазилмалари, табиий бойликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, барпо этилган илмий ва иқтисодий қудрат, унинг давлат мустақиллиги ва иқтисодий суверенитети моддий негизини таъминлайдиган меҳнат натижалари республиканинг мулки бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Республика ўз ҳудудида олтин, бошқа қиммат-баҳо металл ва тошларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва сақлашни мустақил равишда амалга ошириб ҳамда назорат қилиб, ўз олтин заҳирасини бунёд эта бориб, ўзининг валюта ва молия-кредит сиёсатини олиб бориш учун барча имкониятларга эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг халқаро миқёсда эътироф этилиши, уни БМТга, бошқа нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши тарафдоридир. Ўзбекистон ташқи сиёсатни ўз халқининг манфаатлари йўлида белгилаб, халқаро муносабатларда мустақил ва тенг ҳуқуқли субъект сифатида майдонга чиқиши керак.

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси демократик йўналишдаги хорижий партиялар ва жамоат харакатлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш учун очиқ. У шунингдек, чет эллардаги ватандошлар билан инсонпарварлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни, уларга республиканинг маданий ҳаётида, иқтисодий ва ижтимоий дастурларни рўёбга чиқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беришни ёқлайди.

Партия бошқа суверен республикалар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатдорлик принциплари асосида шаклланаётган бевосита сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга ёрдам беришни, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг анъанавий тарихий алоқаларини тиклаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, минтақанинг муштарак муаммоларини ҳал этишда уларнинг ҳамкорлик қилишига имкон яратиш зарур, деб ҳисоблайди.

У ягона иқтисодий маконга эга бўлган, ўзларининг ташқи сиёсий куч-ғайратларини тинчликни сақлаб қолиш, инсониятни ядровий ҳавф-хатар ва экология фалокатларидан қутқариш йўлида мувофиқлаштирувчи мустақил давлатларнинг эркин конфедерацияси тарафдоридир. Партия бошқа иттифоқдош давлатлар билан келишилган, республика миллий мудофааси манфаатларини тўлақонли ҳисобга оладиган ҳарбий сиёсат ўтказилишини ёқлайди.

III. ИНСОНИЙ, ДЕМОКРАТИК ВА РАВНАҚ ТОПУВЧИ ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШ УЧУН

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Ўзбекистон Республикасидаги барча фуқароларнинг миллатидан, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан, дини ва эътиқодларидан қатъи назар, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари, шахсий ҳавфсизлиги ва мол-мулки ҳимоя қилинишида баб-баравар кафолатлар таъминланиши лозим деб ҳисоблайди.

Партия давлатнинг сиёсати ҳамиша фуқаролар тинчлиги ва миллий, тотувлик сиёсати бўлиб қолишига эришиш учун ҳаракат қилади. У республикада яшовчи турли миллатларга мансуб кишиларга уларнинг миллий ўзлигини англашини кучайтириш, фарзандларни она тилида тарбиялаш ва ўқитиш, уларнинг маданиятини ривожлантириш, диндорларнинг диний эҳтиёжларини қондириш, уларнинг тарихий ватани билан алоқаларни боғлаб туришлари учун барча шарт-шароитларни вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ниятидадир.

Яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро ёрдам каби асрий халқ анъаналари жамиятни жипслаштириш негизи бўлиб қолиши керак. Партия донишмандлик ва тажриба соҳиблари сифатида, маданий ва маънавий мерос давомийлигининг кафиллари сифатида кекса авлодларга нисбатан анъанавий иззат-ҳурматни сақлаш ва ривожлантириш тарафдоридир.

Ғаразли сиёсий мақсадлар ва митингбозлик стихияси эмас, балки қонун ҳукмрон бўлган жамият сари йўл — партиянинг бош йўналишидир. Бундай жамиятда давлат ва фуқаро ҳуқуқни ўзаро ҳурмат қилиб, ўзаро масъул эканликларини англайдиган бўлади. Партия халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, давлат билан жамият ишларини бошқаришда халқ иштирокининг ғоят хилма-хил шаклларини ривожлантириш учун ҳаракат қилиш ниятидадир.

Партия ўзининг бутун сиёсий фаолияти билан ҳуқуқий давлатнинг қарор топишига кўмаклашиш ниятидадир. Бундай давлатда демократия ва қонунчилик ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларига ажратиш йўли билан таъминланади. Демократиянинг асосларидан бири — дунёвий ҳокимият принципи мустаҳкам қарор топтирилиши лозим.

Демократик йўл билан қабул қилинган қонунлар ва қарорлар ана шу ҳужжатларни онгли равишда ҳурмат қилиш билан марказда ва жойларда кучли ижрочилик ҳокимияти билан, мустаҳкамланиши керак.

Барча учун баробар, мустақил, барча томонидан тан олинадиган ва ҳурмат қилинадиган одил суд давлатнинг ва ундаги ҳар бир фуқаронинг манфаатлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаши лозим.

Сиёсий партиялар бевосита ҳокимият ваколатларини ўз зиммасига олмасликлари керак, деб ҳисоблаймиз. Ижтимоий турмуш мафкуравийлаштирилишига қарши, қандай бўлмасин ижтимоий-сиёсий кучнинг ҳақиқат ва адолатга танҳо эгалигига қарши қатъий фикр билдирамиз.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси бошқа ижтимоий-сиёсий кучлар билан эркин мусобақада сиёсий раҳнамоликка эришиш, ўз дастурини ишлаб чиқиб ва жамиятга тақдим этиб, ҳокимият органларига сайловларда ўз номзодларини кўрсатиб ҳамда қонунга биноан уларнинг қўллаб-қувватланиши ва сайланишини таъминлаш ниятидадир. У ўз сиёсий йўлини давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқарувчи жамоат органларига сайланган партия аъзолари орқали ўтказади.

Партия бошқа ижтимоий-сиёсий кучлар билан ўзаро муносабатларини ҳамкорлик ва мусобақалашиш принциплари, иттифоқлар ва зарур муросасозликлар асосида қуради. У касаба уюшмалари билан, ўзига хайрихоҳ бўлган ва ижтимоий тараққиёт учун курашаётган жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан ҳамкорлик ҳамда шериклик учун очиқдир.

2.

IV. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА—БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ САРИ

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси иқтисодий мустақилликсиз сиёсий мустақиллик қуруқ гапдан иборат бўлиб қолади, деб ҳисоблайди. Иқтисодий мустақиллик — бу жаҳон ҳамжамияти билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилган ҳолда ўз кучларига таянишдир. Бу — аввало республика ҳудудида яшовчи кишиларнинг манфаатларини кўзлаб унинг табиий бойликлари, бунёд этилган қудрати ва ишлаб чиқараётган маҳсулотидан фойдаланишдаги тўла мустақилликдир.

Партия республиканинг ижтимоий-иқтисодий тангликдан чиқиш ҳамда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва нуфус ривожланишининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтишнинг янги йўлларини излаш ва ҳозирдаёқ белгиланган йўлларни ижодий ривожлантириш тарафдоридир. Бунда республика аҳолиси кўпчилигининг анъанавий турмуш тарзи ва шахсий ҳаётининг асосий принциплари муҳим аҳамият касб этади.

Партия ҳар томонлама ўйлаб ёндашиш, кишиларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари устиворлигини таъминлаш асосида бозор муносабатларини босқичма-босқич шакллантириш тарафдоридир. Бунда ҳаддан ташқари сусткашликка ҳам, ҳар бир босқичда ўзига хос хусусиятлар ва реал имкониятларни ҳисобга олмасдан туриб бозор унсурларини ўта жадал жорий этиш ҳам бир хилда номақбулдир.

Бутун ўтиш даврининг асосий вазифаси — аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламларининг давлат томонидан ҳимояланишига кафолат беришдир.

Иқтисодий сиёсатни мафкуралаштиришдан холи қилиш изчил амалга оширилиши керак. Бу эса иқтисодиётни соғлом фикр тарзига ўтказишни, юз бераётган жараёнларни, турли ижтимоий гуруҳларнинг шаклланаётган манфаатларини реал ҳисобга олиш, моддий рағбатларни, меҳнаткашларнинг юқори унумли меҳнатдан манфаатдорликларини ривожлантиришни англатади.

Партия ҳозирги шароитда республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг истиқболли йўли — унинг мулкчилик барча шаклларининг тенг ҳуқуқлигига ҳамда иқтисодий масъулият юқори даражада бўлган чоғда соғлом тадбиркорлик ва хусусий ташаббускорликни рағбатлантиришга асосланган кўп укладлилигидир, деб ҳисоблайди.

Давлат мулкчилиги фақат саноатнинг базис тармоқлари, ҳаво ва темир йўл транспорти, алоқа, магистрал коммуникациялардагина ҳукмронлик мавқеини сақлаб қолиши керак. Бошқа тармоқларда давлат корхоналари билан тенг равишда акционерлик, кооператив ва хусусий корхоналар ривожланиши мумкин ва лозим, лекин ишловчиларнинг ижтимоий ҳимояланиши ҳамда улар фаолияти ўсишдан давлатнинг иқтисодий назоратини таъминлаш мажбурий шарт қилиб қўйилиши керак.

Партия ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан шахсий фойдаланишга ва ижара принциплари асосида эгалик қилишга кенг миқёсда топшириш тарафдоридир. У кооператив, жамоа ва якка тартибдаги деҳқон хўжаликларининг тўла тенглигини ёқлайди.

Мулкни давлат эгалигидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг амалга оширилишини кўп укладли иқтисодиёт шаклланишининг муҳим шарти деб билар экан, партия собиқ давлат мулки «хуфия» капитал қўлига ўтиб қолмаслиги учун сабот билан курашади. Қаттиқ давлат ва жамоат назоратини, ошкораликни, меҳнат жамоалари учун мустаҳкам ижтимоий кафолатларни таъминлаш зарур.

Партия иқтисодиётни чуқур таркибий қайта қуришни, халқ хўжалиги комплексининг бир томонлама, якка ҳокимлик тизимидан мерос бўлиб қолган хом ашё йўналишини тезроқ бартараф этишни ёқлайди.

Истеъмол молларини ишлаб чиқариш бўйича тармоқларнинг ихтисослаштирилган комплексини, фан-техника тараққиётининг ютуқларини ва замонавий технологияларни кенг жорий этиш асосида хом ашёни узил-кесил тайёр маҳсулот қилиб қайта ишловчи тугалланган туркумли корхоналарни бунёд этиш сари, мудофаа корхоналарининг соҳасини пухта ўйлаб ва мувофиқлаштирилган тарзда ўзгартириш сари бурилишни амалга ошириш зарурати етилди. Ҳамма жойда хорижий шериклар билан ҳамкорликда корхоналар қурилиши учун шарт-шароит яратилиши лозим, бу эса илғор технологияни ўзлаштириш, хўжаликни ташкил қилиш ва бошқаришнинг жаҳондаги тажрибасини эгаллаш, юқори малакали миллий ишчи кадрлар ва мутахассислар армиясини таъминлаш имконини беради.

Партия ташкилотлари халқ ҳунармандчилигини ва бадиий ижодиётини, халқ усталари ишлаган буюмларда мужассамланган ўзига хос маданиятни тиклашга доир ҳокимият ва бошқарув органларининг олиб бораётган ишини ўз ихтиёридаги барча сиёсий воситалар ёрдамида қўллаб-қувватлайдилар.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси пахта яккаҳокимлигини рад этиб, шундай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтириш учун ҳаракат қиладики, бундай шарт-шароитлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча қатнашчилари республика аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини қондириш рағбатлантирган, одамларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан пухта таъминлаш имкониятини яратган бўлур эди.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларни янада мустаҳкамлаш, томорқалар ҳажмини республиканинг ҳамма жойларида 0,25 гектарга етказиш ғоят муҳим давлат вазифаси бўлиб қолиши керак. Партия бу нарса қишлоқ аҳолисининг иҳтимоий ҳимояланиши, якка тартибда уй-жой қурилиши, жамоат ишлаб чиқариши соҳасида меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмаган кўп болали оналарни иш билан таъминлаш, оилаларнинг ўзини-ўзи таъминлаши ва озиқ-овқат бозорини тўлдириш учун озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш масалаларини ҳал этиш йўлида зарур негиз яратади, деб ҳисоблайди.

Партия ташкилотлари шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмаларининг деҳқонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, техника, бинокорлик материаллари, чорва моллари, уруғлик, озуқа ва қишлоқ аҳолиси учун зарур бошқа ресурслар билан таъминлашда уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятини фаол қўллаб-қувватлайди. Ушбу уюшмалар бозор иқтисодига ўтиш чоғида деҳқонни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларини ўз зиммаларига олишлари керак.

Партия қишлоқ аҳолисининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашни аграр сиёсатнинг асосий вазифаларидан бири, деб билади. У қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришга, қишлоқ хонадонларини сув билан таъминлаш ва газлаштириш муаммоларини тубдан ҳал қилиш йўлидаги маблағ ажратиш ва кредит сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Партия учун асосий йўналиш — кишилар ҳаётининг муносиб даражада бўлиши, уларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги, иҳтимоий адолат принципларига оғишмай риоя қилинишидир. У давлат органларининг ролини тақсимот муносабатлари тизими, солиқ сиёсати, имтиёзлар, муайян мақсадларга маблағ ажратиш ва бошқа иқтисодий воситалар орқали кишиларнинг турмуш даражаси бўйича кескин бўлинишига йўл қўймасликда кўради. Аҳолининг бир қатлами бошқа қатламлар қашшоқланиши ҳисобига бойиши юз берадиган заминни бартараф этиш муҳимдир.

Партия ташкилотлари аҳолининг кам даромадли ва энг ночор қатламлари ишончли иҳтимоий ҳимоя қилишига ҳаракат қилади. Уруш ва меҳнат фахрийлари тўғрисида, уларга нормал турмуш шароитларини яратиш, уларнинг пенсия таъминотини изчиллик билан яхшилаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиниши зарур. Партия пулнинг қадрсизланишига боғлиқ ҳолда мунтазам ўзгариб турган расмий камбағаллик даражасидан паст бўлмаган кун кечириш даражасини жорий этиш тарафдоридир. Нарх-наволарнинг ошиб кетганлиги муҳтож кишиларни биринчи навбатда зарур моллар билан имтиёзли нархларда таъминлаш, пенсия, нафақа, стипендия, жамғармаларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда даромадларни индекслашни жорий этиш йўли билан қопланиши керак.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республиканинг нуфус хусусиятларини ҳисобга олганда «Иш билан бандлик» давлат республика дастури доирасида маҳаллий аҳолининг миллий-маданий турмуш тарзи, оиланинг анъанавий серфарзандлиги, унинг тарихан шаклланган истиқомат жойларига боғланганлигини ҳисобга олиб туриб, аҳолининг иш билан бандлиги, қўшимча иш жойларини барпо этиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал этиш жуда катта аҳамият касб этади.

Партия табиат билан уйғунликни сақлаб қола оладиган жамиятгина тарихий ривожланиш истиқболига эга, деб ҳисоблайди. У атроф-муҳитнинг экологик мувозанатига шак-шубҳасиз амал қилишга, минтақавий ва жаҳоншумул экологик муаммоларни илмий асослаб туриб, тубдан ҳал этишга чақиради. Экологик жиҳатдан зарарли ишлаб чиқаришларнинг соҳаси ўзгартирилишини, атроф-муҳит ҳолати устидан доимий назорат ўрнатилиши ва бунинг натижалари ошкора бўлишини таъминлаш керак.

Партия ҳалокат ёқасида турган Оролни қутқариб қолиш, Орол бўйидаги экологик ва санитария ҳолатини соғломлаштириш учун барча кучларини ишга солади. Бу вазифалар қўшни республикалар билан яқиндан ўзаро ҳамкорликда, жаҳон ҳамжамияти иштирокида ҳал қилиниши керак.

Партия Ўзбекистоннинг бошқа республикалар — мустақил давлатлар конфедерацияси аъзолари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш, бунда ягона иқтисодий маконни босқичма-босқич шакллантириш, минтақалар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг бошланғич шарт-шароитини тенглаштириш, тангликдан чиқишнинг келишиб олинган ҳаракатларини амалга ошириш — тўпланиб қолган муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга имкон беради, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши, унинг халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъектига айланиши билан ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш учун сифат жиҳатдан янги имкониятлар очади.

Республика хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатиши, улар билан биргаликда илмий-техникавий, савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилиш, қўшма корхоналар, концессиялар ва эркин иқтисодий зоналар барпо этиш масалаларини ўзаро фойдали ва тенг ҳуқуқли асосда ҳал қилиши керак. Бунинг учун барча зарур иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси белгиланган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш — республиканинг чинакам иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, унинг мустақил иттифоқдош давлатларнинг ишончли иқтисодий шериги сифатида жаҳон бозорида ҳам нуфузини кўтариш имконини беради, деб ҳисоблайди.

V. ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ—ПАРТИЯ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Миллатнинг ирсий фондини соғломлаштириш партияни ҳаяжонга солаётган энг муҳим муаммолардан биридир. Бу муаммони ҳал этиш йўли оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид махсус давлат дастури билан белгиланиши керак.

Партия соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш тарафдоридир.

Бундаги устивор йўналишлар — тиббий ходимларни тайёрлаш сифатини яхшилаш, касалликнинг олдини олиш муассасаларининг моддий-техника базасини тубдан яхшилаш, аҳолини диспансердан ялпи ўтказишни амалга оширишдир. Янги туғилган чақалоқларни парваришлаш, патронаж хизмати, ҳомиладор аёлларга ёрдам кўрсатиш болалар ўлимини камайтиришда биринчи даражали ишлар бўлиши керак.

Партия ёш оилаларнинг оёққа туриши ва мустаҳкамланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга катта аҳамият беради. Биз ёш оилаларга имтиёзлар беришни кенгайтириш, уларга имтиёзли кредит ва ссудалар бериш, оилавий ётоқхоналар, ёшлар уй-жой қурилиши мажмуи тармоқларини жадал кенгайтириш тарафдоримиз.

Партия аёллар болаларни тарбиялашга доир асосий вазифаларини меҳнат ва жамоат фаолияти билан муваффақиятли қўшиб олиб боришлари учун давлат уларнинг иш билан бандлиги, уларни касбга тайёрлаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тизимини жорий этиши керак деб ҳисоблайди. Партия ташкилотлари оғир ва зарарли ишларда хотин-қизлар меҳнатини кескин камайтиришга, касаначиликни ривожлантиришга, истиқболда эса, зарур имкониятлар яратиб берилган сайин болали аёлларга иш ҳақи ва пенсия таъминотидаги тегишли компенсация берган ҳолда уларни қисқарган иш ҳафтасига ўтказишга сабот билан ҳаракат қилади.

Партия ташкилотлари меҳнат жамоаларининг болалар уйлари ва кўп болали оилалар устидан оталиқ қилишга, уларга ўз маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатишга доир ташаббусини барча чоралар билан қўллаб-қувватлайди. Мактаб ўқувчилари ва кам таъминланган ўқувчи ёшлар учун бепул нонушталарни жорий этиш йўлини изчиллик билан ўтказиб боради.

Партия хотин-қизлар ҳаракатини конституциявий йўл билан қўллаб-қувватлашни, хотин-қизларга ўз ижтимоий ролини эркин танлаб олиш ҳуқуқи берилишини, барча даражаларда қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда хотин-қизлар иштирок этишларини, давлат ва жамоат органларида уларнинг тенг ҳуқуқли вакиллик қилишларини ёқлаб чиқади.

VI. ЖАМИЯТНИ МАЪНАВИЙ, МАДАНИЙ ВА АХЛОҚИЙ ЯНГИЛАШ УЧУН

Халқ Демократик партияси ўн йиллар давомида юқоридан тиқиштирилган яккаҳокимлик мафкурасидан қатъиян воз кечади. Сиёсат, маданият, миллатлараро муносабатлар эзгулик, адолат, ҳалоллик ва виждонлилик тўғрисидаги умумбашарий тасаввурларга асосланиши керак. Инсонпарварлик қоидалари партия мафкурасининг негизи бўлади.

Партия Ўзбекистон халқларининг маънавият манбаларига қайтишни зарур деб ҳисоблайди. У жамиятда ахлоқий негизларни мустаҳкамлашга, одамларда фуқаролик бурчи туйғуларини, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат туйғуларини тарбиялашга бутун чоралар билан кўмаклашади. Партия барча миллатлар ва халқларнинг анъаналарини, диний эътиқодини, маданиятини ҳурмат қилиш, улар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоридир. Бу йўлда давр синовидан ўтган барча фойдали жиҳатлар ҳисобга олинади.

Партия ўтмишда йўл қўйилган миллий маданиятларни ривожлантиришга юзаки ёндашувларни қатъиян қоралайди, ўзбек миллий маданияти ва халқ ижодиётининг ўзига хос хусусиятларини қайта тиклаш учун курашади. Айни пайтда миллий ўзига хосликнинг қарор топиши умумбашарий маданий меросдан яккаланиб қолишга олиб бормаслиги зарур.

Партия халқимиз даҳоси билан яратилган ва ғайриқонуний равишда жумҳуриятдан ташқарига олиб кетилган ҳамма санъат асарлари, қимматли қўлёзмалар унинг ўзига қайтарилиши керак, деб ҳисоблайди. Партия тарихий ёдгорликлар сақланиши ва қайта тикланиши, «Мерос» республика дастури изчил рўёбга чиқарилиши тарафдоридир.

Биз жумҳуриятда истиқомат қилаётган барча миллатлар ва элатларнинг миллий маданият марказлари тармоғи ривожлантирилиши, халқлар ўртасида маънавий айирбошлаш ўзаро бойиши ва кенгайтирилиши, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, қадимий халқ анъаналари, байрамлари ва маросимлари қайта тикланиши тарафдоримиз.

Партия — Ўзбекистонда маданиятни ривожлантириш умуммиллий сиёсатда бунёдкорлик йўналиши, уни маблағ билан таъминлашда қолдиқ принципдан қатъиян воз кечиш тарафдоридир. Бу сиёсат миллий ва жаҳон маданияти ютуқлари моддий таъминланиш даражасидан қатъи назар, ҳар бир оила, ҳар бир киши, айниқса, болалар баҳраманд бўлиши учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилиши лозим. Ижодкор зиёлиларнинг маънавий куч-ғайратини эркин қилиш, уни мафкуравий васийлик ва сиёсий цензура тазйиқидан холи этиш ҳам муҳимдир.

Партия санъат ва маданиятни тижоратлаштириш жараёнига қатъиян қарши чиқади ҳамда аҳолини, айниқса, ёш авлодни одобсизлик ва зўравонликни тарғиб қилишдан, сохта маданиятнинг зарарли таъсиридан, ахлоқийликнинг маънавий негизларига ва миллий тушунчаларига, инсонпарварлик ва ахлоқийлик қоидаларига зид бўлган барча нарсалардан ҳимоя қилиш учун ҳамма жамоат кучлари билан ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

Юксак билим даражаси — халқ маданиятининг пойдеворидир. Умумтаълим ва олий мактаб, мактабгача тарбия чуқур ислоҳ қилиниши ҳамда у таълимнинг барча шаклларида энг яхши миллий анъаналарга асосланиши ва жаҳон стандартлари ютуқларига йўналтирилиши керак. Таълим мажмуининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқувчилар ва муаллимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, ўлкамиз учун анъана бўлган муаллимларга ҳурматни тиклаш зарур.

(Давоми учинчи бетда).

3.

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Миллати, ижтимоий мавқеи, тили, динга муносабатидан қатъи назар, республиканинг барча фуқаролари ўрта, махсус, олий таълим олиш учун баравар имкониятларга эга бўлишлари даркор. Давлат мактаби билан биргаликда аҳолининг хилма-хил эҳтиёжларини ҳисобга олувчи муқобил мактаб фаолият кўрсатиши мумкин. Бунда жамоат мактаби, шубҳасиз, мутлақо дунёвий тусда бўлиши зарур.

Партия ҳунар-тайёргарлиги тизими сақланиши ва мустаҳкамланиши, унинг умумтаълим мактаби билан ўзаро узвий боғлиқлиги тарафдоридир. У Ўзбекистонда янги таълим-ҳунар тузилмалари: техника мактаблари, коллежлар ва таълимнинг узлуксизлигини таъминловчи бошқа тузилмаларни барпо этиш жараёнини фаол қўллаб-қувватлайди.

Партия ташкилотлари давлат миқёсида қабул қилинаётган тадбирларни қўллаб-қувватлайди ҳамда бозор иқтисодиёти талаб-эҳтиёжларига мувофиқ республика муҳандислари ва иқтисодчиларини қайта тайёрлашда бевосита иштирок этади.

Ўқув юртлари ва илмий муассасаларнинг мустақиллигини ривожлантириш, уларнинг ташкилий шакллари хилма-хиллиги таъминланиши, ўқувчилар ва талабаларнинг ўзини ўзи бошқаришга бўлган интилишига мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиши лозим. Айни пайтда партия ўқув юртлари ўқув-тарбия вазифаларини ҳал этишга тўсқинлик қилувчи сиёсий эҳтиросларнинг майдонига айлантирилишига қатъиян қаршидир. У шунингдек, ижтимоий фанларни ўқитишдан тарихни сохталаштириш ва сиёсий найрангбозлик учун минбар сифатида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Партия ташкилотлари илмий зиёлилар билан амалий алоқаларни изчил ривожлантириб ва чуқурлаштириб боради.

Биз мавжуд фан-техника имкониятидан самарали фойдаланиш, қисқа муддатда истиқболли ихтиролар ва ишланмаларни жорий этувчи уюшмалар, жумҳуриятнинг ақл заковат мулкини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш тизими барпо этилиши, шу муносабат билан амалдаги қонунлар қайта кўриб чиқилиши тарафдоримиз. Республика мақоминнинг ўзгариши бошқа республикалар ҳамда хорижий мамлакатларнинг илмий жамоалари ва олимлари билан таркиб топган алоқаларни бузишга олиб келмаслиги зарур.

Биз ақл-заковат имкониятини жадал ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллиги ва гуллаб-яшнашини таъминлаб бўлмаслиги тўғрисидаги теран ва равшан тушунчани одамлар онгига сингдиришимиз зарур деб ҳисоблаймиз. Бунда партия, айниқса, ўткир минтақа муаммоларига оид илмий ишларни маблағ билан таъминлаш кўпайтирилиши, илм-фан ва таълимни қўллаб-қувватлаш юзасидан мустақил республика валюта жамғармаси ташкил этилиши учун курашади.

Жамиятдаги демократик жараёнлар, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги ривожланиши партиянинг мафкуравий ишига сифат жиҳатидан янгича ёндашувларни талаб этади. Ҳақиқат, тарихий холислик, турли дунёқарашларга нисбатан сабр-тоқатли бўлиш, ақидапарастлик ва маддоҳликдан воз кечиш, миллатчилик, шовинизм ва экстремизмга нисбатан қатъиян муросасизлик янги мафкуранинг асосий қоидаларидир.

Партия оммавий ахборот воситаларида демократик ўзгартишлар, уларда фикрлар ва баҳолар хилма-хиллигини эркин ёритиш, айни пайтда журналистларнинг мақолалар ва эшиттиришлар ҳаққонийлиги ва холислиги учун масъулиятини ошириш тарафдоридир.

Даҳрийлик ва дин тўғрисидаги сохта тасаввурлардан тамомила халос бўлиш, маънавий изланишлар учун ҳар бир кишига кенг имкониятлар очиб бериш, шахснинг ўзини маънавий камол топтиришга, ўзининг ҳаётий йўналишларини эркин ва онгли танлашига интилишини ҳар томонлама рағбатлантириш керак.

Партия фақат материалистик дунёқарашгагина эмас, балки турли дунёқарашга амал қилувчи барча кишилар учун очиқдир. У динга ишонувчилар билан даҳрийлар ўртасида мулоқот, умуминсоний маънавий қадриятлар, меҳр-шафқат, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш соҳасида турли диний бирлашмалар билан ҳамкорлик тарафдоридир.

4.

VII. ЎЗИДА МАДАНИЙ ВА ТАРИҲИЙ МЕРОСНИ МУЖАССАМЛАШТИРГАН ЭРКИН ВА УЙҒУН КАМОЛ ТОПГАН ШАХС—ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪРИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЧЎҚҚИЛАРИГА ЭРИШИШИДА АСОСИЙ ТАЯНЧ

Республика истиқболга интилмоқда. Мана шу қийин ва машаққатли йўлда ёшлар унга асосий таянч бўлиши зарур. Айни ёш авлод республиканинг тақдирини ўз зиммасига олиши ҳамда уни тараққиёт ва фаровонлик сари дадил бошлаб бориши керак.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси давлатнинг ёшларга нисбатан изчил, ягона сиёсатини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришнинг ташаббускори ва сиёсий гарови бўлиш ниятидадир.

Ёш авлодни ижтимоий қарор топтириш учун, эркин ва уйғун баркамол шахсни тарбиялаш учун сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, моддий-техникавий шарт-шароитлар ва кафолатларни вужудга келтириш ёшларга оид ана шундай сиёсатнинг бош мақсади бўлмоғи даркор.

Партия ёшларга хос ижодий изланишни, ташаббускорликни, омилкорликни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлайди, ёшларнинг тўлақонли дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқаришини йўлга қўйишда ёрдам беради.

Биз — республикамизнинг ёш фуқароларида меҳнатсеварлик ва ахлоқийлик юксак қоидаларини шакллантириш учун барча давлат ва жамоат тузилмалари ҳамкорлик қилиши тарафдоримиз. Биз мана шу олижаноб ишда оилалар, маҳаллалар, ўқув юртлари, маданият муассасалари ва оммавий ахборот воситаларининг куч-ғайратлари бирлаштирилиши тарафдоримиз.

Партия ёшлар халққа мос инсонпарварлик анъаналарининг муносиб вориси бўлиши, ўзларига жаҳон маърифати ва маданиятининг энг яхши ютуқларини сингдириши учун жамият ҳамма ишни қилиши керак, деб ҳисоблайди. Партия ташкилотлари ёш истеъдодларнинг ўсиши, улар қобилиятлари ҳамда ижодий имкониятларининг равнақ топиши учун ҳар томонлама имкон ярата борадилар.

Ғоятда қобилиятли болаларни жуда ёшлигидан аниқлаш, улар учун ихтисослаштирилган ўқув юртлари барпо этиш, истеъдодли ёш олимлар ва талабаларни мамлакатнинг етакчи илмий ҳамда ўқув марказларига ва хорижга юбориш давлат сиёсатининг устивор йўналиши бўлиб қолиши керак. Ёшларга чет тилларни ўргатишни, бозор муносабатларини ўрганиш (маркетинг), ишлаб чиқаришни бошқариш (менежмент) соҳасида, республиканинг жаҳон бозорига чиқиши билан боғлиқ бошқа фаолият соҳаларида мутахассислар тайёрлашни жиддий равишда кенгайтириш зарур. Маҳаллий миллатларга мансуб кишилардан малакали ишчи кадрлар ва мутахассисларни жадал тарзда шакллантириш, уларни республикадан ташқарида, шу жумладан, иқтисодий жиҳатдан ғоятда тараққий этган мамлакатларда ўқитишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Бунда таълим учун ўсиб бораётган харажатларни давлат ўз зиммасига олиши керак. Олий ва ўрта мактабни ривожлантиришнинг мураккаб муаммолари ўқувчи ёшлар ҳамда уларнинг оилалари ҳисобига ҳал қилинишига йўл қўйиб бўлмайди.

Ёшларга доир сиёсатни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда партия ташкилотлари ёшларнинг жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлари билан кенг ҳамкорлик қилиш, шерикликка, демократик йўналишдаги ёшлар ташкилотларини фаол қўллаб-қувватлашга интилади.

Партия ҳозирги комсомол ворисларининг ташкилий мустақиллигини ҳурмат қилади ва бунга риоя этади, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида уларга кенг ҳуқуқлар берилиши учун ҳаракат қилади.

* * *

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси сиёсий ҳаракатлар партиясидир. У Ўзбекистон келажаги учун ўзини масъул деб билади. Адолат ва тараққиётга, ҳамжиҳат жамиятга, Ватанимиз — мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин олишига интилаётган кишилар учун табиий бир қутбдир.

1.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ—ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НИЗОМИ

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси (Ўзбекистон ХДП) — ўз аъзоларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи республика сиёсий ташкилотидир. Унинг бош мақсади — Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун ижтимоий адолатни, муносиб турмуш тарзини, маънавий янгиланишни таъминлашдан иборат. Партия мустақил Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллайдиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларациясини тан оладиган ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳаракат қиладиган демократик ҳуқуқий давлат сифатида қарор топтиришга эришиш ниятидадир.

Партия халқ-демократик анъаналарига, умуминсоний қадриятларга, ахлоқ ва инсонпарварлик принципларига асосланиб, меҳнат аҳлининг ижтимоий аҳволидан, келиб чиқишидан, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар уларнинг манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси сиёсий усуллар билан жамиятни жипслаштиришга ҳаракат қилади, ўзбек халқининг ва республикада яшовчи барча халқларнинг миллий анъаналари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш асосида ирқчилик, миллатчилик ва шовинизмни, миллатлараро ва ижтимоий можароларнинг авж олдирилишини қатъиян рад этади.

Халқ-Демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари доирасида ҳаракат қилади, жамиятни сиёсий ва иқтисодий эркинлик, тенглик ва ижтимоий адолат принциплари асосида барпо этиш ғояларига содиқ бўлиб қолади.

I. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ—ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА АЪЗОЛИК

1. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган, партиянинг дастурий мақсадларини тан оладиган ва унинг Низомини бажарадиган, партияни мунтазам равишда моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаб турадиган фуқароси Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясига аъзо бўлиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан, виждон эркинлигини, даҳрий ёки диндор бўлиш ҳуқуқини чекламайди. Унинг аъзоси бошқа сиёсий партияларда бўлиши мумкин эмас.

2. Партиянинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлидир. Улар:

— партия сиёсати, партия ички турмуши масалаларини эркин кўтариб чиқиш ва муҳокама қилиш, шу масалалар юзасидан қарорлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

— партия органларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг иши ҳақида ахборот олиш;

— ҳар қандай партия органига ва партиянинг ҳар қандай аъзосига баҳо бериш, уларни танқид қилиш;

— ҳар қандай партия идорасига ариза ва таклифлар билан мурожаат этиш ва ундан жавоб олиш;

— фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ олиб бориладиган ҳамда партиянинг дастурий мақсадлари ва Низоми қоидаларига зид бўлмаган оммавий жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг ишида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон ХДП аъзолари ўртасидаги муносабатлар партиявий ўртоқлик принциплари асосида бўлади. Унинг ташкилотлари ва сайланадиган органларида танқид учун таъқибга йўл қўйилмайди. Дастурий мақсадлар ва Низом қоидаларига хилоф бўлмаган барча ҳолларда партиянинг ҳар бир аъзосига унинг ижтимоий фаолияти ва қонунда рухсат этилган бошқа фаолиятида партия ташкилотлари ва сайланган органларининг сиёсий мадади ҳамда унинг конституциявий ва бошқа ҳуқуқлари камситилган тақдирда нафсонияти ва қадр-қиммати ҳимоя қилиниши таъминланади.

3. Партия аъзоси:

— партия қарорларини бажаришга;

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг жамиятдаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга ва таъсирини кучайтиришга эришиш учун ҳаракат қилишга;

— ўзи танлаган бошланғич партия ташкилотларидан бирининг ҳисобида туришга, унинг ишида қатнашишга ёки ўзгача тарзда партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда кўмаклашишга, партияга аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб туришга;

— Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатлар вакилларининг миллий анъаналарига, тарихий ва маданий меросига, тилига ҳурмат билан муносабатда бўлишга, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш тўғрисида бутун чоралар билан ғамхўрлик қилишга;

— шахсий намунаси билан ижтимоий ахлоқ ва маънавият нормаларини қарор топтиришга мажбурдир.

4. Партия аъзолигига қабул унга кирувчининг аризасига биноан якка тартибда амалга оширилади.

Партияга қабул қилиш тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида қабул қилинади ва йиғилишда ҳозир бўлган партия аъзоларининг камида учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий ва узил-кесил деб ҳисобланади.

5. Бошланғич партия ташкилотлари ва барча поғоналардаги партия органлари партия интизомини ва ижтимоий ахлоқ нормаларини бузганлиги учун партия аъзоларига нисбатан коллектив равишда муҳокама қилиш ва ўртоқларча танқид шаклида партиявий тарбия чораларини кўришлари мумкин.

Бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон ХДП Низоми талабларига мос келмайдиган хатти-ҳаракатлари ва хулқатвори учун партия аъзосини унинг сафидан чиқариши мумкин. Бу ҳақдаги қарор партия ташкилоти йиғилишида қабул қилинади ва мазкур ташкилот ҳисобида турувчи партия аъзоларининг ярмидан кўпроғи шу қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Партиядан чиқарилган киши уч ой мобайнида юқори партия органларига шикоят аризасини бериш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси тушган кундан бошлаб кўпи билан икки ой муддат ичида кўриб чиқилади.

Узрли сабабсиз аъзолик бадалларини тўламаган партия аъзоси тўғрисидаги масала бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилиши лозим. Агар бунда партия аъзосининг партия билан алоқани узганлиги аниқланса, унинг партия сафларидан чиқиши тўғрисида қарор қабул қилинади.

Партияга аъзолик партия аъзосининг ихтиёрий равишда партия сафларидан чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан ҳам тўхтатилади.

II. ПАРТИЯНИНГ ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

6. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экология ва бошқа дастурларини ишлаб чиқиб ҳамда уларни жамиятга таклиф этиб, бошқа ижтимоий-сиёсий кучлар билан эркин мусобақада сиёсий етакчиликка эришиш учун ҳаракат қилади.

Партия Ўзбекистон Республикаси Президенти, республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг халқ депутатлари сайлови чоғида ўз номзодларини кўрсатади, уларнинг қонунда рухсат этилган барча воситалар билан аҳоли томонидан қўллаб-қуватланишига ва сайланишига эришиш учун ҳаракат қилади.

7. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ўзининг сиёсий йўлини давлат ҳокимияти идораларига ва ўзини ўзи бошқарув жамоат органларига сайланган партия аъзолари орқали ўтказади, улар орқали қонунда белгиланган тартибда қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларига доир таклифларни киритади.

Партия аъзолари бўлган депутатлар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш учун ўз ваколатлари даврида сайланадиган тегишли ҳокимият органларида Ўзбекистон ХДПнинг партия гуруҳлари (фракциялари)га бирлашишлари мумкин. Партия аъзолари раҳбар партия органларидан мустақил бўлган, аммо Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси номидан ҳаракат қиладиган гуруҳлар ёки фракцияларни тузиши мумкин эмас.

Партия гуруҳлари (фракциялари) партия қурултойлари ва конференцияларининг қарорларига амал қиладилар, сайланадиган тегишли партия органларининг тавсияларини эътиборга оладилар.

Сайловда бошқа сиёсий партиялар ғалаба қозонганида Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг тегишли ҳокимият органларидаги партия гуруҳлари (фракциялари) ана шу партияларнинг фракциялари билан ҳамкорлик қилишлари ёки амалий оппозицияни эгаллашлари мумкин.

8. Партиянинг бошланғич ташкилотлари ва сайланган партия органлари партиянинг сайловолди ҳаракат дастурини амалга ошириш мақсадида ўз вакилларини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларидаги аниқ жойларга тавсия этишлари мумкин ва сайланадиган ҳокимият органларининг тегишли партия гуруҳлари (фракциялари) орқали уларнинг сайланишига ёки тайинланишига эришиш учун ҳаракат қиладилар.

2.

III. ПАРТИЯНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ

9. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ташкилий муштараклик ва партиявий ўртоқлик қоидаларига мувофиқ яшайди ва ҳаракат қилади. Бу қоидалар:

— партия ташкилотларининг ўзини ўзи бошқаришини;

— партиянинг барча органлари сайлаб қўйилишини;

— партия органлари ва уларнинг аъзолари уларни сайлаган ташкилотлар олдида ҳисобот беришини;

— ишда ошкоралик, рўй-ростлик ва ҳамжиҳатликни;

— фикр билдиришда эркинликни, турли қарашларни таққослашни, ошкора танқид ва ўзини ўзи танқидни;

— барча ташкилотларнинг иштирокида бамаслаҳат ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга ҳаракат бирлигини таъминлайди.

10. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси асосан ҳудудий белгисига қараб тузилади. Бунда қоида тариқасида бошланғич партия ташкилотларини ҳудудлар бўйича район, шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар партия ташкилотларига бирлаштириш кўзда тутилади.

11. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг барча ташкилотлари ўзининг ички турмуши ва фаолиятини уюштиришда мустақилдирлар.

12. Умумий йиғилиш, конференция, қурултой партиянинг раҳбар органлари ҳисобланади. Улар партия ташкилоти аъзоларининг ярмидан кўпроғи ёки сайланган делегатларнинг учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда қонуний ҳуқуққа эга бўладилар.

Раҳбар партия органлари ижроия органларини (партия ташкилотларининг Кенгашларини, ижроия бюроларини) ва тафтиш комиссияларини сайлайдилар ҳамда уларга зарур ваколатлар берадилар.

Тафтиш комиссиялари партияга аъзолик бадаллари қай тарзда тўланаётганлигини назорат қиладилар, партия ташкилотлари ва муассасаларининг партия бюджети ижросини ҳамда молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этадилар. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида тегишли партия ижроия органининг аъзолари бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмас.

13. Партия ташкилотлари, сайланадиган органлари ўз олдиларида турган вазифаларни ҳал қилиш учун партия аъзолари ва бошқа фуқароларнинг улар ишида қатнашишининг Низомга хилоф бўлмаган ҳар қандай шаклларидан фойдаланишлари мумкин.

Партия аъзоларининг ёки раҳбар ва ижроия партия органларининг ташаббуси билан партия клублари, назарий семинарлар, сиёсий марказлар ҳамда қизиқиш ва муаммолар бўйича, шу жумладан, касб-кор белгиси бўйича ҳам бирлашишнинг бошқа шакллари ташкил қилиниши ва ишлаши мумкин.

Улар партиянинг таркибий тузилмалари бўлмай, партиянинг дастурий ҳужжатларига асосланиб, турли масалаларни муҳокама қиладилар ва улар хусусида ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқадилар, ҳар қандай поғонадаги партия ташкилотлари ва уларнинг сайланадиган органлари муҳокамасига таклифлар ва лойиҳалар киритадилар.

14. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг барча органлари сайлаб қўйилади. Улар йиғилишларда, конференцияларда, қурултойларда ёки бевосита ёҳуд квоталар бўйича қуйи партия ташкилотларининг тўғридан-тўғри вакил қилиб юборишлари йўли билан сайланадилар. Ана шу партия ташкилотлари ўз вакилларини чақириб олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Партия йиғилиши, конференцияси, қурултойининг, сайланадиган органининг ихтиёрига кўра, овоз бериш яширин ёки очиқ бўлиши мумкин.

Партия аъзолари сайлов чоғида номзодларини чекланмаган миқдорда, шу жумладан, ўз номзодини ҳам кўрсатиш ва далиллар асосида рад қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

15. Партия органларининг таркиби тегишли ташкилот аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига мувофиқ ёки сайланган органнинг айрим ёҳуд барча аъзоларининг ихтиёрий равишда истеъфо бериш тўғрисидаги аризасига биноан уларнинг ваколат муддати тугашидан аввал янгиланиши ёки тўла-тўкис қайтадан сайланиши мумкин.

16. Партия ташкилотлари ва сайланган органларида кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор барча учун мажбурийдир. Озчилик ўз нуқтаи назарини раҳбар ва ижроия партия органларида, оммавий ахборот воситаларида ҳимоя қилиш, қўшимча маърузалар билан чиқиш, ўз фикрини баённомаларда қайд эттириш, баҳсли масалаларнинг қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Партия ташкилотлари ва сайланадиган органларининг дастурий мақсадларига ва унинг Низомига зид бўлмаган қарорларини юқори органлари бекор қила олмайдилар, партия аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарорлар бундан мустаснодир.

17. Партиянинг сайланадиган органлари асосан жамоатчилик асосида ишлайдилар. Улар ўз ваколатлари даврида ўзларига бўйсунадиган, меҳнат шартномаларига мувофиқ ташкил қилинадиган ишчи аппаратини тузишлари мумкин. Бу аппарат улар фаолиятида ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, социология тадқиқотлари ўтказиш, ташкилий ишлар ва маслаҳатлар бериш хизматини ўтайди.

18. Партия ташкилотлари ва сайланадиган органлари ўз оммавий ахборот воситаларини таъсис этишлари ёки таъсис этувчиларнинг шериклари бўлишлари мумкин.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

19. Бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг негизи ҳисобланади. Улар ташкилотга бирлашишни истовчи камида 5 нафар партия аъзоси бўлган тақдирда одатда район, шаҳар ҳокимияти (ўзини ўзи бошқариш) органларига сайлов ўтказувчи бир ёки бир қанча сайлов округи доирасида тузилади ҳамда тегишли район, шаҳар ташкилоти кенгашининг ижроия бюроси томонидан рўйхатга олинади.

Амалдаги қонунларга ҳилоф бўлмаган жойларда бир корхонада, ишлаб чиқариш бирлашмасида, хўжалик, муассаса, ташкилотда ишловчи партия аъзоларини бирлаштирадиган ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотлари тузилади.

Амалдаги қонунга мувофиқ партия тузилмаларини ташкил қилишга йўл қўйилмайдиган корхоналарда, ташкилотлар ва муассасаларда ишловчи партия аъзолари ҳудудий партия ташкилотларининг бирида ҳисобда турадилар ва ўзининг партиявий бурчини иш (хизмат) жойидан ташқарида ишдан бўш вақтларида бажарадилар.

Ҳудудий ва ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотлари зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов округлари доирасида ҳудудий округ гуруҳларига бирлашишлари мумкин. Шу гуруҳларнинг ишини тегишли район, шаҳар партия ташкилотларининг ижроия органлари мувофиқлаштириб турадилар.

Бошланғич партия ташкилоти ўз таркибида цех партия ташкилотларини ёки партия гуруҳларини тузиши, ўз йиғилишининг қарорига мувофиқ уларга партияга аъзолик билан боғлиқ бўлган масалаларда бошланғич ташкилот ҳуқуқини бериши мумкин.

20. Бошланғич партия ташкилотлари ўзининг ички турмушига доир масалаларни мустақил ҳал қиладилар. Улар ҳар қандай партия органининг қарорига ўз муносабатини билдириш ҳуқуқига эга, мазкур партия органи эса масаланинг моҳияти юзасидан жавоб қайтаришга мажбурдир.

Бошланғич партия ташкилотлари партия сиёсатини тарғиб қилади ва тушунтира боради, партия қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этади, партия аъзолари бўлмиш халқ депутатларининг аҳоли ўртасида олиб борадиган ишларида уларнинг таянч бўғинлари бўлиб хизмат қилади.

21. Умумий партия йиғилиши бошланғич, цех партия ташкилотининг раҳбар органи ҳисобланади. Йиғилиш заруратга қараб ўтказилади. Умумий йиғилиш ўтказишнинг иложи бўлмаган тақдирда цех ташкилотлари ёки партия гуруҳларида ягона кун тартиби билан конференция ёки йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

Жорий ишларни олиб бориш учун бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши (конференцияси) иккиуч йилга ижроия бюрони ва унинг котибини ёки котиб ва унинг ўринбосарини сайлайди. Партия гуруҳларида партия гуруҳининг ташкилотчиси сайланади.

Бошланғич партия ташкилотларининг котиблари айни бир вақтда район, шаҳар партия ташкилоти Кенгашининг аъзолари бўладилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТ, ШАҲАР, РАЙОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

22. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти партия сиёсатининг умумий қоидаларига ҳамда партиянинг олий ва марказий органларининг қарорларига амал қилиб, Қорақалпоғистон Республикасини сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва миллий-маданий жиҳатдан ривожлантиришга тааллуқли масалаларда ўз йўлини мустақил равишда белгилайди ва амалга оширади. Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилоти партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия комитети таркибига ўз вакилини делегат қилиб юбориш ҳуқуқидан фойдаланади.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти вилоят ташкилоти мақомига эга бўлиб, партиянинг олий ва марказий органлари билан бевосита муносабатда бўлади.

Бошланғич ташкилотларни бирлаштирувчи район ва шаҳар партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг таянч таркибий бўғинларидир.

Район, шаҳар ва вилоят партия ташкилотлари ўз ҳудудлари доирасида партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш ва унинг аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш юзасидан иш олиб борадилар.

23. Партия конференцияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, район партия ташкилотининг раҳбар органи бўлиб, тегишли партия ташкилоти Кенгашининг қарорига, юқори партия ташкилотининг таклифига, мазкур партия ташкилоти аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан чақирилади. Навбатдаги партия конференциялари одатда маҳаллий, республика ҳокимияти органларига сайлов ўтказиш юзасидан сайлов кампаниялари бошланишидан олдин, аммо ҳар 5 йилда камида бир марта чақирилади.

Конференция партия ташкилоти Кенгашининг ваколатларини беш йил муддатга тасдиқлайди, унинг биринчи котибини сайлайди, котиб айни вақтда Кенгаш ва унинг ижроия бюросининг аъзоси ҳам бўлади. Шунингдек, конференция тафтиш комиссиясини ҳам сайлаб, тегишли партия ташкилоти ишининг устун йўналишларини белгилайди, юқори партия ташкилотининг Кенгашига белгиланган миқдорда ўз вакилларини делегат қилиб сайлайди.

24. Партия ташкилоти Кенгаши доимий ишловчи ижроия ва мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

Шаҳар, район партия ташкилотининг Кенгаши шу шаҳар, райондаги барча бошланғич партия ташкилотларининг котибларидан иборат бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят партия ташкилотларининг Кенгашлари уларнинг таркибига делегат қилиб сайланган район, шаҳар партия ташкилотларининг белгиланган тенг сонли вакилларидан иборат бўлади.

Конференциялар оралиғидаги даврда Кенгаш тегишли партия ташкилотининг манфаатларини ифодалайди, конференцияларнинг ва юқори партия органларининг қарорлари бажарилишини ташкил этиб, ўзига ҳисобот бериб турувчи органларнинг ишига раҳбарлик қилади. Кенгаш қуйи ташкилотларнинг сайлаб қўйилган ҳокимият органларида ва ўзини ўзи бошқарув жамоат идораларида партия гуруҳлари (фракциялари)нинг кундалик фаолиятини мувофиқлаштиради.

(Давоми тўртинчи бетда).

3.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НИЗОМИ

(Давоми. Боши учинчи бетда).

Кенгаш ўз мажлисида ўзининг таркибидан Кенгаш котибларини ва ижроия бюросининг бошқа аъзоларини беш йил муддатга сайлайди. Зарур ҳолларда конференция томонидан унга берилган ваколатларга мувофиқ Кенгашнинг биринчи котиби тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Кенгаш ижроия бюронинг ваколатларини ва ишининг асосий йўналишларини белгилайди, унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар йили тинглаб туради.

Кенгаш мажлислари заруратга қараб, аммо ҳар ярим йилда камида бир марта ўтказилади.

25. Ижроия бюро тегишли Кенгашнинг қарорлари бажарилишини ташкил қилади, шу мақсадда қуйи ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, Кенгашнинг ишчи аппаратига бевосита раҳбарлик қилади.

ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ

26. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг қурултойи унинг олий органидир. Навбатдаги қурултойлар партиянинг Марказий Кенгаши томонидан ҳар 5 йилда камида бир марта, одатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқ депутатлари сайлови ўтказиладиган сайлов кампанияси бошланишидан олдин чақирилади. Марказий Кенгашнинг қурултойни чақириш, унинг кун тартиби ва вакиллик меёри тўғрисидаги қарори қурултойга камида бир ой қолганда эълон қилинади.

27. Партиянинг навбатдан ташқари (фавқулодда) қурултойи Марказий Кенгашнинг ташаббуси билан ёки партия аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чақирилади. Бу ҳолда қурултой Марказий Кенгаш томонидан бир ой муддат ичида чақирилади ва унда барча партия аъзоларининг камида учдан икки қисмининг вакиллиги таъминланган тақдирда қонуний ваколатга эга деб ҳисобланади.

28. Партиянинг Марказий Кенгаши доимий ишловчи ижроия ва мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. У Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари унинг таркибига делегат қилиб сайлаган белгиланган тенг сонли вакилларидан иборат бўлади.

29. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг қурултойи:

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг дастурий ҳужжатларини қабул қилади, уларни қайта кўриб чиқади ва ўзгартиради;

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Низомини қабул қилади, зарур ҳолларда уни қайта кўриб чиқади, ўзгартишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритади, бу ҳақда қонунда белгиланган тартибда Низомни рўйхатга олувчи ҳуқуқий органларни хабардор қилиб қўяди;

— Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати масалаларига доир партиянинг нуқтаи назарини ва унинг фаолияти йўналишларини ишлаб чиқади;

— Марказий Кенгашнинг ваколатларини беш йил муддатга тасдиқлайди ва партиянинг Марказий Тафтиш Комиссиясини сайлайди;

— Марказий Кенгаш ва Марказий Тафтиш Комиссиясининг, қурултой сайлайдиган бошқа органлар ҳамда шахсларнинг ҳисоботлари ва маърузаларини тинглайди, улар юзасидан қарорлар қабул қилади ва уларнинг ишига баҳо беради;

— Марказий Кенгашнинг тақдимномасига мувофиқ партиянинг байроғи, нишони ва вимпелларини унинг рамзлари сифатида тасдиқлайди;

— партиянинг раисини кўпи билан сурункасига икки муддатга сайлаб, айни вақтда унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлаш учун номзод қилиб кўрсатади.

30. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг раиси қурултойнинг, умумпартия конференцияларининг ишини бошқаради, партия Марказий Кенгашининг ишини мувофиқлаштиради.

Партия раиси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига унинг расмий номзоди деб ва ана шу лавозимга сайланганида партиянинг раҳбари бўлиб қолади. Партия ташкилотлари ва сайлаб қўйиладиган органлари унинг сиёсий фаолияти қўллаб-қувватланишини таъминлайдилар.

31. Қурултойлар оралиғидаги даврларда Марказий Кенгаш партия сиёсати ва амалий фаолиятининг етилган масалаларини муҳокама қилиш учун умумпартия конференциясини чақириши мумкин.

Конференция партия Марказий Кенгаши ва Марказий Тафтиш Комиссиясининг иши тўғрисида уларнинг ҳисоботларини тинглаш, Марказий Тафтиш Комиссияси таркибига қисман ўзгартишлар киритиш, партиянинг дастурий ҳужжатлари ва Низоми доирасида унинг учун бошқа мажбурий қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

32. Қурултойлар ва умумпартия конференциялари оралиғидаги даврда партия Марказий Кенгаши:

— қурултойлар ва умумпартия конференцияларининг қарорлари бажарилишини ташкил этади, партия барча бўғинлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари партия гуруҳи (фракцияси)нинг жорий ишларини мувофиқлаштиради;

— ўз мажлисида ўзининг таркибидан Марказий Кенгашнинг Сиёсий ижроия комитетини, шу жумладан, Марказий Кенгашнинг биринчи котиби ва котибларини беш йил муддатга сайлайди;

— Сиёсий ижроия комитет ваколатларини ва унинг асосий иш йўналишларини белгилайди, ҳар йили унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди;

— бошқа партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, жумладан, чет эллардаги шундай ташкилот ва ҳаракатлар билан бўлган муносабатларида Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг вакиллигини таъминлайди;

— партиянинг муассасаларини, корхоналарини ташкил этади ва уларнинг фаолиятини назорат қилади;

— айрим Низом меъёрларини қўлланиш тартибини аниқлаб берадиган қоида ва усулларга оид ҳужжатларни тасдиқлайди;

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси қурултойи ёки умумпартия конференцияси унга берадиган бошқа раҳбарлик ваколатларини амалга оширади.

Марказий Кенгашнинг мажлислари заруратга қараб, аммо ҳар ярим йилда камида бир марта ўтказилади.

33. Сиёсий ижроия комитет Марказий Кенгаш пленумлари оралиғидаги даврда Марказий Кенгаш қарорлари доирасида кундалик сиёсий ва ташкилий масалаларни ҳал этади, унинг ишчи аппаратига раҳбарлик қилади. Сиёсий ижроия комитет ишини биринчи котиб, у бўлмаганда Марказий Кенгаш котибларидан бири олиб боради.

34. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Марказий Тафтиш Комиссияси ўз фаолиятида партия Низомига ва қурултой тасдиқлайдиган қоидага амал қилади.

МТК аъзоси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмас.

IV. БОШҚА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ЖАМОАТ ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

35. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси демократия ва ижтимоий адолат нуқтаи назарига амал қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ва унинг доирасида иш кўрувчи жамоат кучлари билан ҳамкорлик қилади. У касаба уюшмалари, бошқа жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар билан сиёсий муносабатларини ўзаро ёрдам ва шерикчилик, бошқача нуқтаи назарни ҳурмат қилиш асосида қуради.

Партия ташкилотлари Конституция ва қонунлар асосида ҳамда унга мувофиқ иш кўраётган бошқа сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари, оммавий ҳаракатларнинг ташкилотлари билан биргаликда номзодлар кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида сайловолди битимига киришишлари ва бирлашишлари мумкин.

Партия демократик йўналишдаги хорижий партиялар ва жамоат ҳаракатлари билан алоқалар ўрнатади ва бевосита алоқаларни қўллаб-қувватлайди.

V. ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

36. Партия органлари ва бошланғич партия ташкилотлари ёшлар билан иш олиб боришда ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёшлар ташкилотлари билан баҳамжиҳат иш олиб борадилар, демократик йўналишдаги ёшлар ташкилотларига кўмаклашадилар.

Барча поғоналардаги партия ташкилотлари қошида 30 ёшгача бўлган партия аъзоларини ҳамда партиянинг дастурий мақсадларини қўллаб-қувватловчи партиясиз ёшларни бирлаштирадиган ёшлар клублари ва секциялари ташкил этилиши мумкин.

Ёшлар клублари ва секциялари ёшларга оид сиёсат ҳамда ёшлар билан иш олиб боришда партия ишининг турли масалаларини муҳокама қиладилар, ана шу масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини ишлаб чиқадилар, ўз таклифларини тегишли партия ташкилотларининг раҳбар ва ижроия органлари муҳокамасига киритадилар.

VI. ПАРТИЯНИНГ РАМЗЛАРИ

37. Партия ўз рамзлари сифатида байроқ, нишон ва вимпелларга эга бўлади. Уларни Марказий Кенгашнинг тақдимига биноан қурултой тасдиқлайди ва қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан рўйхатга олиниши керак.

VII. ПАРТИЯНИНГ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА МУЛКИ

38. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ва унинг ташкилотлари фаолияти партия даромадлари ҳисобидан молиявий ва моддий-техникавий манбалар билан таъминланади.

Партиянинг пул маблағи партияга аъзолик бадалларидан, ноширлик, ишлаб чиқариш-хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти даромадларидан, партия аъзолари, айрим фуқароларнинг ихтиёрий хайрияларидан ҳамда сиёсий иш манфаатларига ва амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа тушумлардан таркиб топади.

Пул маблағларининг Марказий Кенгаш белгилайдиган миқдордаги қисми ҳар йили Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг заҳира жамғармасига ажратилади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзолари ҳар ойда партияга аъзолик бадалларини умумий даромадларнинг камида 1 фоизи миқдорида тўлайдилар.

39. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг бюджети, маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда партия корхоналари ва муассасалари даромадларидан бюджетга ажратиладиган маблағларнинг миқдори, унинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳар йили партия Марказий Кенгаши томонидан тасдиқланади ва ҳаммага маълум қилиш учун эълон қилинади.

Маҳаллий партия ташкилотларининг бюджетларини ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларини уларнинг Кенгашлари тасдиқлайди ҳамда партия аъзоларига маълум қилинади.

40. Бинолар, иншоотлар, корхоналар ва хўжаликлар, нашриётлар, асбоб-ускуналар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш муассасаларининг мулки, пул маблағлари, шунингдек, партия маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки вужудга келтирилган бошқа мол-мулк Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси эгалик қилиш ҳуқуқининг объектлари бўлиб, буларни у тасарруф этади.

Партия ташкилотлари Кенгашлари ўзларига тегишли мулкка бевосита раҳбарлик қиладилар (эгалик қиладилар, фойдаланадилар, тасарруф этадилар). Улар партия мулкини сотиш ёки бошқа йўл билан тасарруфидан чиқариш масалаларини Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг қурултойи, конференцияси ёки Марказий Кенгаш пленуми томонидан тегишли ваколат берилган юқори партия органининг рухсати билангина ҳал эта оладилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, район партия ташкилотлари кенгашлари, партия корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик шахс ҳуқуқига эгадирлар ва бу ҳуқуқларни ўз таркибларидаги бўлинмаларига беришлари мумкин.

41. Район, шаҳар партия ташкилотлари ва уларнинг таркибига кирувчи бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун партияга аъзолик бадалларидан тушган пулнинг ва бошқа даромадларнинг бир қисми ажратилади, унинг миқдорини ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия ташкилотлари Кенгаши белгилайди. Тегишли район, шаҳар партия ташкилотларининг Кенгашлари ана шу маблағларни тасарруф этадилар, уларнинг зарур қисмини бошланғич тащкилотларнинг бевосита эҳтиёжларига ажратадилар.

Бошланғич партия ташкилотлари партия Низомида кўзда тутилган мақсадлар учун айрим фуқаролар ихтиёрий равишда уларга ўтказаётган маблағлардан ва амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа тушумлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

VIII. ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРГОҲИ

42. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Марказий Кенгашининг қароргоҳи Тошкент шаҳридадир.

IX. ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

43. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг фаолияти у бошқа сиёсий ташкилотлар билан бирлашган ёки қўшилиб кетган тақдирда, бўлиниши ёҳуд ўзини ўзи тарқатиб юбориши натижасида тўхтатилиши мумкин. Ушбу масалага оид қарорни партия қурултойи унинг барча ташкилотлари фикрини ҳисобга олиб қабул қилади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг фаолияти тўхтатилган тақдирда унинг мулки Низомда кўзда тутилган мақсадларга берилади ёки партия қурултойи белгилаган ҳуқуқий ворисга топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

таъкидладилар, чунки танг ҳолатларнинг тобора ўткирлашиб бораётганлиги, пулнинг қадрсизланиши чўқурлашаётганлиги, пул-молия тизими амалда барбод бўлганлиги, истеъмол бозоридаги тақчиллик истисносиз барча минтақаларда иқтисодий ва ижтимоий вазиятга жуда хавфли таъсир кўрсатмоқда.

Учрашувда республикаларо иқтисодий шартномалар ва битимларнинг, аввало шу йилги кузги-қишки даврда озиқ-овқат ва ёқилғи-энергетика ресурсларини етказиб бериш юзасидан мустақил давлатлар иқтисодий ҳамкорлигининг асосий қоидалари, республикаларо бевосита иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар юзасидан республикаларо иқтисодий битимлар ва шартномаларнинг 1991 йилда бажарилишини ва 1992 йилга битим ва шартномалар тузилишини тезлаштиришни таъминлашга доир умумий ёндашувлар белгиланди ва келишиб олинди.

Учрашув қатнашчилари аввал эришилган республикаларо иқтисодий битимлар ва тузилган шартномалар янги иқтисодий муҳитни вужудга келтириш учун асос бўлганлигини таъкидладилар.

Шу билан бирга мустақил давлатларнинг иқтисодиёти ўткир тангликни бошидан кечирмоқда, ишлаб чиқариш таназзулга учрамоқда, маҳсулот етказиб бериш юзасидан 1991 йил учун қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмаяпти. Пул муомаласининг издан чиққанлиги, пулнинг қадрсизланиши кучаяётганлиги, аҳоли турмуш даражасининг пасаяётганлиги ижтимоий кескинликни ўткирлаштирмоқда.

1992 йилга мўлжалланган республикаларо ва хўжаликларо алоқаларни ташкил этишдаги сусткашлик айниқса ташвишлантирмоқда. Маҳсулотлар, озиқ-овқат ва ёқилғи энергетика ресурсларини етказиб беришга доир шартномаларни тузиш ғоят қониқарсиз олиб борилмоқда, бу шусиз ҳам мураккаб бўлган вазиятни кузги-қишки даврда кескинлаштириши мумкин.

Бозор муносабатларини шакллантириш даврида мустақил давлатлар иқтисодиётининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида 15 октябргача энг муҳим хом ашё, озиқ-овқат, моллар турларини ва хизматларни келишилган нархларда етказиб беришга кафолат берадиган давлатлараро икки томонлама ва кўп томонлама битимлар тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўтиш даврида мустақил давлатларнинг корхоналари ва ташкилотлари ўртасида, даставвал тармоқлараро ва тармоқ ички кооперацияси тарзида таркиб топган хўжалик алоқаларини сақлаб туриш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Эркин нарх белгилашга ҳамда моллар ва хизматларнинг келишилган рўйхатига нарх даражасини белгилашга ўтишнинг мувофиқлаштирилган сиёсатини ўтказиш ҳақида ҳамжиҳатликка эришилди.

Президент И. А. Каримов Олмаота учрашувидаги ўз нутқида берилган вақт лимити тўла тугаган ҳозирги шароитда биз вазиятни барқарорлаштириш ва олдинга қараб амалий ҳаракат қилиш учун куч-ғайратларни кўпайтириш юзасидан келишилган амалий ҳаракатларни ишлаб чиқишга ўзимизда куч-ғайрат ва имконият топишимиз керак, деб алоҳида таъкидлади.

Даставвал биз халқ хўжалиги бўғинларига янада самаралироқ раҳбарликни таъминлаш мақсадида республикада барча бошқарув тузилмаларини дарҳол қайта кўриб чиқишимиз, барча корхоналар ва хўжаликларнинг мустақиллигини, уларнинг раҳбарларига нисбатан масъулият ва талабчанликни кескин оширишимиз керак. Жуда қисқа муддатларда республиканинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ва аҳолининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз, корхоналар ва тармоқларни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олишимиз зарур. Аввал Иттифоққа бўйсунган корхоналар республика ихтиёрига ўтганлигига қарамай биз уларнинг мақомини ва халқ хўжалигидаги мавқеини юксалтириш ҳақида ғамхўрлик қилишимиз, улар тўплаган имкониятлардан тўла фойдаланишимиз керак.

Халқ хўжалиги тармоқларини моддий-техникавий ресурслар ва хом ашё билан таъминлашдаги кескинликни пасайтириш учун Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарларига корхоналар ўртасида бевосита хўжалик шартномалари тузиш, моллар етказиб бериш юзасидан республикаларо ва кўп томонлама ва кўп томонлама битимлар тузиш юзасидан оператив гуруҳлар тузиш ва уларга бошчилик қилиш топширилди.

Яқин орада биз бу ишни якунлашимиз ва республика учун зарур бўлган озиқ-овқат, ёғоч-тахта, металл ва бошқа ресурсларнинг барқарор етказиб берилишини таъминлашимиз керак.

Вазирлар Маҳкамасининг Ресурслар, моддий-техника таъминоти ва шартномалар мажмуи, Госкоопснаб, бошқа таъминот ташкилотларининг айби билан республикамизда бир қанча республикалардан тузилган шартномалар бўйича маҳсулот етказиб бериш ҳозирги пайтда амалда тўхтатиб қўйилди.

Госкоопснаб шаънига қаттиқ танқидий фикрлар айтилди, у янги бозор шароитида ўз ўрнини тополмади, мол ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг истеъмолчилари ўртасида воситачи бўлолмади. Бу органнинг янги шароитлардаги асосий йўналишлари, вазифалари шу вақтга қадар белгиланмаган.

Вазирлар Маҳкамаси мажмуаларига республикамиз ҳудудидаги корхоналарнинг шартнома мажбуриятларини бажариши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш топширилди.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг таназзули ва нархларнинг ошиши давом этмоқда. Биз республикамизга нефть ва нефть маҳсулотлари олиб келинадиган қулай географик жойни топишимиз, транспорт иқтисодий алоқаларнинг, айниқса кўпгина минерал — хом ашё ресурсларига бой бўлган Ўрта Осиё минтақаси ичидаги ана шундай алоқаларнинг самарали йўналишларини ишлаб чиқишимиз ҳамда ўзаро манфаатли шартлар билан моллар ва хом ашёни айрибошлашни йўлга қўйишимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсаидовга халқ хўжалиги тармоқларини ва республика аҳолисини зарур ресурслар, даставвал озиқ-овқатлар ва халқ истеъмоли моллари билан энг кўп самарали таъминлаш мақсадида барча тузилган ва тузилаётган ташқи иқтисодий шартномалар ва битимларни таҳлил қилиш, иқтисодиётнинг кузги-қишки даврда фаолият кўрсатиши юзасидан аниқ чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва таклиф этиш вазифаси топширилди.

Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабековга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларига халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқатларни, айниқса, дон, ун, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш устидан алоҳида назорат ўрнатиш топширилди. Ҳукумат аъзолари ушбу озиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш ва аҳоли талабини қондириш юзасидан шартномалар тузишга бутун куч-ғайратларини сарфлашлари зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажмуаларига, маҳаллий Кенгашларнинг ижроия комитетларига деҳқон бозорлари атрофида новвойхона цехларини тезкорлик билан ривожлантириш ишини авж олдириш, бозорларда нон маҳсулотлари билан савдо қилаётган хусусий шахслар ҳуқуқларининг асосийлилигини синчиклаб текшириш топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида пахта хом ашёсини тайёрлаш, айниқса Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида пахта хом ашёсини тайёрлашга доир тадбирларнинг бажарилишига жиддий эътибор берилди. Об-ҳаво шароити ёмонлашиши кутилаётганлиги муносабати билан пахта хом ашёсини тайёрлаш қандай бораётганлигини назорат қилиш ва пахтакорлар ҳамда хўжаликларга зарур амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигида республика штаби тузишга қарор қилинди.

Муҳокама жараёнида республикада давлатга гўшт топширувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларни имтиёзли шартлар билан автомобиллар, жуда тақчил моллар ажратиш билан рағбатлантириш юзасидан қарор қабул қилинган эди. Лекин маҳаллий Кенгашлар ижроия комитетларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг назоратсизлиги туфайли бу масалада ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Шундай фактлар ҳам учрамоқдаки, гўшт маҳсулотлари топширувчилар бойлик орттириш мақсадида уларни етиштиришни кўпайтириш ўрнига бозорларда хусусий шахслардан чорва молларни сотиб олиш, ҳужжатларни соҳталаштириш билан шуғулланмоқдалар. Бу эса шунга олиб келяпти, умуман топширилаётган гўшт маҳсулотлари миқдори кўпаймаяпти, фермерлик хўжаликлари фаолияти самарадорлиги эса пасаймоқда.

Республика ижроия идораларининг фермер хўжаликларини, айниқса чорвачилик соҳасидаги фермер хўжаликларини ривожлантиришга муносабатини тубдан қайта кўриб чиқиш топширилди. Битим тизими ва шартномалар асосида фермерлик хўжаликларини кенг ривожлантириш ва улар етиштирган маҳсулотни давлатга ҳеч қандай воситачиларсиз, тўғридан-тўғри топширилишини таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш ва улар сонини янада кўпайтириш учун 1992 йилда пахта майдонларини камайтириш ва уларни фермерларга бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу шароитда зарар кўриб ишлаётган ва кам рентабелли колхозлар ва совхозларнинг фаолиятини уларнинг меҳнат жамоаларни аъзолари манфаатларини эътиборга олиб пухта таҳлил этиш топширилган. Бу ишни можароли вазиятларни тўла истисно этувчи аниқ ва пухта ўйланган ҳамда ишлаб чиқилган восита негизида амалга ошириш ва уни белгиланган тартибда қонунийлаштириш зарур. Бунда ерларни зарар кўриб ишлаётган ва кам рентабелли колхозлар ҳамда совхозлар меҳнат жамоаларининг собиқ аъзоларига биринчи навбатда бериш керак.

Колхозлар ва совхозларга 1991 йилга ва шундан кейинги йилларга белгиланган топшириқдан 5 фоизини ва белгиланган ҳажмдан ортиқ олинган пахта толаси ва пиллани ўз ихтиёри билан эркин сотиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Базирлар Маҳкамаси мажлисида қабул қилинган қарорларни Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсаидовнинг бевосита раҳбарлигида амалга ошириш топширилди.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 9 октябрда чиқади).

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: мафкура — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт—325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти—325733; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриёти нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 6124. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 01.00 44 минг нуска босилди.